



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 25 октябрь, чоршанба

№82 (11.267)

Эркин нархда сотилади

ИЖТИМОЙ МАЖМУА ЙИФИЛИШИ

Вилоят ҳокимлигида вилоят ижтимоий мажмуининг 2000 йил тўққиз ойи якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мажмуага қарашли бўлим ва бошқармаларнинг бошлиқлари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини — ижтимоий мажмуа раҳбари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Маълумки, мамлакатимизда ҳамма соҳада ислохотлар чуқурлашиб бормоқда. Хусусан, ижтимоий соҳаларда ҳам бу жараён изчиллик билан амалга оширилаётганлиги туфайли сезиларли самараларга эришилмоқда. Ўтган давр мобайнида вилоят, шаҳар ва туманларда маданият, маориф, таълим-тарбия, спорт ва соғлиқни сақлаш тизимларида ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Жойларда замонавий талаблар даражасидаги ўқув масканлари, коллеж ва лицейлар, тиббий муассасалар қурилиб фойдаланишга топширилди. Соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш соҳасида қатор тадбирлар ўтказилди. Айниқса, вилоятда ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар ва дастурларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Соғлом авлод» вилоят дастури доирасида бажарилган ишлар бунга мисол бўла олади. Мазкур дастурнинг бажарилиши мунтазам таҳлил этилиб, йўл қўйлаётган камчиликларни бартараф этиш, муаммоларнинг ечимини топиш юзасидан аниқ чоралар кўрилмоқда.

Вилоятда физкультура ва спортни оммавийлаштириш бош масала қилиб қўйилди. Шу мақсадда

жойларда очилаётган янги спорт мажмуалари, ўйингоҳлар ва теннис кортлари эътиборга лойиқ. Вилоятимизнинг бир қатор спортчилари Сиднейда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилдилар. Республикада ўтказилган «Алпомиш» ўйинларида вилоят спортчилари фахрли учинчи ўринни эгалладилар.

Айни вақтда йиғилишда таъкидланганидек, ёш авлодга таълим-тарбия бериш, жойларда маданият ва маърифатни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий хизматлар савиясини ошириш борасида янада чуқурроқ ишлаш керак. Асосий эътибор белгиланган дастурларнинг бажарилишига қаратилмоғи зарур. Миллий гоа ва истиқлол мафқураси мазмун моҳиятини халқимизга, айниқса, ёшларга етказиш ҳам асосий вазифалардан бўлиб қолмоғи керак.

Кун тартибидagi масала юзасидан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев, вилоят физкультура ва спорт қўмитаси раиси Баҳром Фуфуров, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг муовини Улугбек Акмалов, вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон Солиҳов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, жорий йилда пахта териш ва тайёрлашнинг паст суръатлари бўлган ҳолатда пахта ҳосилининг барча босқичларида уларни парвариш қилиш агротехнологиясининг жиддий бузилишлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси ва уларнинг жойлардаги органларининг қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш ва пахта етиштиришнинг илғор технологияларини жорий қилиш масалаларига эътиборни сусайтириб юборганликлари оқибатидир.

Бир қатор вилоятлар ва туманларнинг раҳбарлари баҳор давридаги қулай иқлим шароитларидан фойдаланмадилар, чигит экиш муддатларини чўзиб юбордилар. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида чигит экиш жорий йилнинг 10 майгача давом этди, бу чигит унинг чиқишига салбий таъсир кўрсатди. Айнан шу вилоятларда бўзанинг бутун ўсиш даврида уни зарур даражада парвариш қилиш ташкил этилмади.

Қўпчилик ҳўжаликлар ва туманларда ҳукумат қарори билан тасдиқланган пахтани навлар бўйича жойлаштиришга риоя қилинмади. Тезпишар ва серҳосил навларни экиш ўрнига синовдан ўтмаган ва маҳаллий шароитларга мослашмаган пахта навлари экилди. Ёғзаларни озиклантириш муддатлари ҳамда минерал ўғитлар солиш нормалари қўпол равишда бузилди, сувдан оқилана фойдаланилмади, сув бошқа мақсадларга сарфланди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва туманларнинг ҳокимликлари Андижон вилояти ҳўжаликларида жорий йилнинг мураккаб шароитларида сентябрь ойида белгиланган топшириқни бажариш ва келгуси йил ҳосили учун ишларни авж

уюшмаси раҳбарларининг жорий йилдаги пахта етиштириш ва уни йиғиштириб олишга доир ишлари қониқарсиз деб ҳисоблансин.

Жиззах (Мирзиёев), Бухоро (Хусенов), Навоий (Дилолов), Самарқанд (Рўзиев) Сурхондарё (Олимонов) ва Сирдарё (Исроилов) вилоятлари ҳокимларига пахта етиштириш агротехникаси ва технологияси талабларига қатъий риоя қилиниши учун қишлоқ ҳўжалиги органлари ва ҳўжаликлар раҳбарлари ва мутахассисларига нисбатан зарур талабчанликнинг йўқлиги, пахта йиғим-терими қониқарсиз ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

ҳўжаликлар, қишлоқ ҳўжалиги бошқаруви органларининг жорий йилда қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосили етиштиришнинг барча босқичларидаги ишларини танқидий ўрганиб чиқсинлар, 2000 йилда йўл қўйилган бузилишлар ва хатоларга бундан буён йўл қўймаслик юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар;

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги 79-сон қарори билан тасдиқланган пахтани навлар бўйича жойлаштиришни бузган ҳўжаликлар ва туманлар раҳбарларининг жавобгарлиги масаласини кўриб чиқсинлар ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси амалда экилган пахта навларининг раёонлаштирилган навлардан четга чиқиши ҳолларини аниқласин ва айбдор шахс-

ларни жавобгарликка тор-тсин.

3. Пахта йиғим-теримини тугаллашга доир сафарбарлик чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича махсус комиссия тузилсин.

Комиссия масъул идоралар, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ва ҳўжаликлар билан биргаликда:

зудлик билан пахта қуритиш жойлари тайёрла-ниши ва қуритиш-тозалаш цехлари ишга туширилишини;

кўрак чувиш машиналари ўз вақтида таъмирланиши ва тайёрлаб қўйилишини таъминласин;

бир ҳафта муддатда кўрак териш машиналари ўз вақтида таъмирланиши ва ишлашга тайёрлаб қўйилишини таъминлаган ҳолда, улар билан кўракларни йиғиштириб олиш жадвалини белгиласин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2000 йилнинг 1 ноябригача ахборот берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ҳокимлари бошчилигида вилоятларда жорий йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллашга барча ресурсларни сафарбар қилиш ва 2001 йил экиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича штаблар тузилсин;

йиғим-терим мавсумини жорий йилнинг 15 нояб-ри (Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ЧИРЧИҚДА ТИЛ БАЙРАМИ



Чирчиқ шаҳрида тил байрамига бағишланган вилоят тадбири ўтказилди. Унда «Давлат тили ҳақида»ги Қонун ҳамда уни амалга ошириш юзасидан жойларда қилинган ишлар ва галдаги вазифалар муҳокама этилди. Тадбир-

да иштирок этган шаҳардаги русийзабон ёшларнинг ўзбек тилида айтган қўшиқлари ва ижро этган рақслари, айниқса, қатнашчиларнинг олқишларига сазовор бўлди. Шунингдек, шоирлардан Ҳамид Норкул ва Маҳмуд Тоировлар ўзларининг янги шеърларини ўқиб, барчани хушнуд этдилар.

Ўзбек тили байрамида вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев сўзга чиқди.

Н. ҲАМИДОВ.

ҚОРАМУРТДА УЛГҲРЖИ БОЗОР

ҚИБРАЙ шаҳарчасининг Қорамурт кўчаси бошида қурилиш ашёлари билан савдо қилувчи иккита дўкон аҳолига хизмат қила бошлади. Шахсий уй қураётган фуқаролар хусусий тадбиркорлар очган бу дўконлардан ўзларига керакли нарсаларни топишлари мумкин.



Шу кўчада қурилиш ашёлари билан улгўржи

савдо қиладиган бозор қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Ўз муҳбиримиз.

ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТДИЛАР



Бўстонлиқ тумани хотин-қизлар қўмитаси ҳамда туман тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда ҳудудда яшовчи 29 минг 580 нафар

туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлардан 23 минг 108таси тиббий кўриқдан ўтказилди. Текширувдан ўтказилган хотин-қизларнинг бир қисмида ошқозон-ичак, буйрак касалликлари мавжуд эканлиги аниқланди. Аммо экстрагенитал касалликлар қайд қилинмади. Беморларга керакли тиббий ёрдам қўрсатилмоқда.

Равшан ЁҚУВЖОНОВ.

ЙЎЛДОШ ШАҲАРЧАДА «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

Бекободнинг Йўлдош шаҳарча деб аталадиган қўرғони тобора кенгайиб бормоқда. Бу ерда янги уй-жойлар, маданий-маиший бинолар қад кўтармоқда. Яқинда шаҳарчада яна бир қувончли воқеа бўлиб ўтди. Қўрғонга биринчи бор «зангори олов» тармоғи келтирилиб, ўнлаб хонадонлар ундан баҳраманд бўлишар.



Узунлиги бир минг саккиз юз метрлик газ тармоғини барпо этишга «Бекободгаз» корхонаси қатори Одилжон Нурматов раҳбарлик қилаётган «Даврон ота» хусусий корхонаси жа-

моаси ҳам муносиб хисса қўшди. Бу қурилиш учун сарфланган олти миллион сўм маблагнинг бир қисmini шу жамоа ажратди. Йил охиригача яна 800 метр узунликдаги ёқилги тармоқларини қуриш назарда тутилган.

Дилбар ҚАРИМОВА.

«КОНМИТ» ҲИММАТИ



Мана икки йилдирки, «Конмит» қўшма корхонаси жамоаси аъло сифатли ширинликлар ишлаб чиқариб, аҳоли дастурхонининг мўл-кўлигига ўз хиссасини қўшмаяпти. Кандолатчилар

ташкил этаётган хайрия тадбирларидан ҳам кўпчилик баҳраманд бўлмоқда.

Яқинда жамоа ўзининг навбатдаги ҳимматини Бўстонлиқ туман ногиронларига кўрсатди. Уларга корхона цехларида тайёрланган ширинликлардан 400 килограмми бепул тарқатилди. Шунингдек, кам таъминланган оила-ларга ҳам совғалар берилди.

Али АКБАРОВ.

Акс-садо

ҲАҚЛИ ЖАЗО

Мен ҳар гал Тоҳир Йўлдош, Салай Мадаминов, Жума Хожиев сингари ўз халқига хиёнат қилаётган муртадларнинг кирдикорлари ҳақида эшитганимда ўзимча ғижиниб, асабийлашиб қўярдим. Нахотки уларнинг жловини тортиб, адабини бериб қўйиш мумкин эмас, деб ўйлардим. Ахир улар қачонгача гашимизга тегади, қачонгача бўлмагур бўҳтон гапларни вайсаб юрадилар.

Нихоят республика прокуратурасининг «Халқ сўзи» рўзномасида уларнинг ёвузликлари фоти этилган айбномасини ўқиб, кўнглим таскин топганди бўлди. Хайрият,

Муҳаммаджон УСМОНОВ,
Тошкент туманидаги
«Тошкент» ширкат
ҳўжалиги раиси.

ШАФҚАТ КУТМАСИНЛАР

Хоинлар, малъунлар, муртадлар, халқ қаршига қолганлар... «Халқ сўзи»да чоп этилган «Прокуратура айбномаси» мақоласини ўқишни бошлашим билан тилимга келган биринчи сўзлар шулар бўлди. Яна уларни қандай тавсифлаш мумкин? Унда Ўзбекистон деган шу диёрда ўсиб улғайиб, унга хиёнат қилаётган, тузини ичиб тузигига тулраётган, неча асрлик қўллик қишанларини парчалаб, озолиқнинг ёрқин йўлига энди-гина чиқиб олган халқ бошига не-не қулфатларни солиш йўлига кириб олган бу қора ниятли ёвуз кимсаларнинг қилмишлари батафсил, очик-ойдин очиб берилган. Уларнинг қўллари халқнинг қони билан булганган, юзлаб беғунох фуқаролар уларнинг қурбони бўлганлар. Бутун қилмишлари жиноятдан иборат бўлган бу онкур-

лар хатто Чорвоқ гидроэлектр станциясини ҳам портлатмоқчи бўлган эканлар. Уларимизни чарогон қилиб турган бу нурухонанинг қандай ғуноҳи бор экан!? Ғаламислар уни ва бошқа шунга ўхшаш иншоотларимизни йўқ қилиш билан диёримизни зулматга солмоқчи бўлганлар. Чувчварани хом санабсанлар, муртадлар. Бунақа ёвуз ниятларинг ҳеч вақт амалга ошмайди. Халқимиз ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зийрак бўлиб турпти.

Она юрт хоинларига ҳеч вақт шафқат бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Адолат шуни тақозо этади. Хоинлар қилмишларига яраша жазоландилар, бунга шубҳа йўқ.

Шахзода ҚАРИМОВА,
Бекобод нон заводи бош
иктисодчиси.



ЧАКҚОН, ЭГҲЧИ, БИЛИМДОН

Кун кеча пойтахтимизнинг муҳташам «Туркистон» санъат саройида Соғлом авлод йилига бағишланган «Ҳамшира-2000» кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Ёқимли мусиқа садолари остида сахнага Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган танлов ғолиблари энг дилбар, зукко ва лобар, Баҳра иштирокчилар ва танлов ғолибларига «Ҳамшира-2000» кўрик-танлови мута-сaddилари ва хомийларининг қимматбаҳо ва эсдалик ғолиби деб эълон қилинди.

Иккинчи ўрин вилоятимиз вақиласи Мадина Иброҳимовага насиб этди. Учунчи ўрин эса, Самарқанд вилоятидан келган ҳамшира Шах-ло Эргашевага берилди. Барча иштирокчилар ва танлов ғолибларига «Ҳамшира-2000» кўрик-танлови мута-сaddилари ва хомийларининг қимматбаҳо ва эсдалик ғолиби деб эълон қилинди.



Суратда: «Ҳамшира-2000» кўрик-танлови иккинчи ўрин соҳибаси Мадина Иброҳимова. Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча алоқа бўлимларида бошқа нашрлар қаторида «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзилсангиз, у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади. Нашр кўрсаткичининг эслатиб ўтамиз — 205.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
КАРОРИ

2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

гача тугалласинлар; ҳайдов тракторлари ва плугларни кузги шудгорлашга тайёрлаб қўйишни тугаллаш ишларини кучайтирсинлар, пахта майдонларини жорий йилнинг 15 декабригача чуқур ҳайдаб қўйиш учун уларни ёзув-полярдан тозалаш ва ҳайдаш жадвалини тузиб чиқсинлар. Ушбу мақсадлар учун вилоятдаги мавжуд барча ҳайдов тракторлари, уларнинг қайси идорага қарашлилигидан ҳамда ташкилот ва корхоналарнинг мулкчилик шаклларида жорий этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилансинлар;

шўрланган ерларни ювишни ҳамма жойда авж олдирилсинлар.

Бундай майдонларга тупроқ шўри ювилгандан сўнггина экин экилин;

кузги бошоқчи дон экинлари экишни 7 ноябргача тугалласинлар;

Молия вазирлиги билан биргаликда тупроқ шўрини ювиш сифати ва бажарилган ишлар ҳажмига қараб ушбу ишда банд бўлган ходимларни моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

5. Андижон вилояти ҳокимлигининг куз-қиш даврида экидан олдинги ишларнинг 80 фоизгачасини бажариб қўйиш, сифатли, дориланган ва сара-

ланган уруғларни, ерларни пушта олган ҳолда тайёрлаб қўйиш, тезпишар ёзув навларини плёнка остига эрта экишдан иборат пахта етиштириш технологиясини қўллаш бўйича иш тажрибаси маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, жойлардаги қишлоқ ҳўжалиги органлари, ҳўжаликлар раҳбарлари пахта етиштиришнинг Андижон технологиясини пушта ўрганиб чиқсинлар ва уни жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб ўз минтақаларида жорий этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилансинлар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2001 йилда чигитни плёнка остига экиш бўйича ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

«Ўқимёсанот» уюшмаси, Андижон ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда полиетилен плёнка ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва пахта экувчи ҳўжаликлари плёнка билан таъ-

минлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига йигирма кун муддатда тақлиф киритсинлар.

6. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази: республиканинг бошқа пахта экувчи минтақаларида кенг қўллаш учун пахта етиштиришнинг Андижон технологиясини стандартлари кўрсаткичларини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

селекционерлар ва мутахассислар иштирокида, табиий иқлим шароитларини ҳисобга олиб, кечпишар пахта нави чигитларини экишни катъий тақиллаган ҳолда, 2001 йил ҳосили учун ёзувнинг тезпишар ва серҳосил навларини жойлаштириш бўйича жорий йилнинг 1 декабригача Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсинлар;

тадқиқот ва селекция ишларини ташкил этишда ёзувнинг тезпишар, серҳосил ва касалликларга чидамли навларини яратишга алоҳида аҳамият берсинлар;

вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига пахтанинг ингичка тотали навларини экишни кескин камайтириш бўйича тақлифлар киритсинлар.

7. «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси 2001 йилнинг 1 февралигача Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув

ҳўжалиги вазирлигининг ҳисоб-китоблари бўйича, эҳтиёт захирали ҳисобга олган ҳолда, юқори сифатли, дориланган ва сараланган уруғлик чигитни талаб қилинган миқдорда тайёрласин. 2001 йил ҳосили учун пахтанинг навлари бўйича жойлаштирилишига мубофиқ ҳолда тезпишар ва серҳосил пахта чигитини тайёрлашга алоҳида эътибор берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги:

республика ва вилоятларнинг тегишли органларини жалб қилган ҳолда ҳар бир ҳўжалик ва туманда чигит экишни 12-14 календарь кунда тугаллаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқарилишини ташкил этсин. Бунда чигит экишни 10 апрелгача тугаллаш назарда тутилсин, шимолий туманлар бундан мустасно;

Молия вазирлиги билан биргаликда экиш мавсумининг кўрсатилган муддатларда, сифатли ўтказиш мақсадида унда қатнашадиган ишловчиларни рағбатлантириш юзасидан икки ҳафта муддатда тақлифлар ишлаб чиқсин.

«Ўзқишлоқҳўжаликмаш-холдин» холдин компанияси, «Ўзқишлоқҳўжаликгаз-

минотузастиш» давлат-кооператив кўмитаси ер текисловчи техникалар, сеп-ялкалар ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги техникаларини зарур миқдорда ўз вақтида тайёрлашни таъминласинлар, шунингдек ҳўжаликларнинг буюртмалари бўйича чигитни плёнка остига экиш сепялкаларини тайёрлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

9. «Ўқимёсанот» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Марказий банки, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан биргаликда минерал ўғитларни солиш нормалари ва озикли моддалар нисбатини ҳисобга олган ҳолда уларни ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалигини улар билан таъминлаш бўйича келишилган тақлифларни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Маъзур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т. Холтеев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 21 октябрь.

Ўзбекистон — Туркия: ҳамкорлик робиталари

МАҲСУЛОТ ТУРИ
51мага ЕТДИ

Бу корхона маҳсулотларини республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидаги дўконлар пештахталарида учратиш мумкин. Сифати жаҳоннинг шу тур маҳсулотларидан қолишмаётган бу ширинликларнинг хорижий мамлакатларда ҳам истеъмолчилари кўпайиб бормоқда. У Марказий Осиё республикалари ва Россия бозорларига ҳам кириб бормоқда. Корхонанинг Қозоғистон ва Қирғизистонда бўлимлари очилганига анча бўлди.

Яқиндан бошлаб эса, Россия, Туркменистон ва тожикистонлик харидорлар буюртмаларини ҳам бажаришга киришилди. Экспортнинг кўпайиши корхона иқтисодиётини янада муҳташамлашга олиб келмоқда. Топилган валютадан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жамоанинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришда фойдаланиланти.

Туркиялик «Айлингиде Санайи компани» фирмасынинг Охангарон туманидаги бу шўъба корхонаси ўз фаолиятини бошлаганига уч йилдан сал ошди. Бу давр унинг учун кенгайиш, ривожланиш, замонавий технология ва асбоб-ускуналарни жорий қилиш йиллари бўлди. Корхона жамоаси дастлабки вақтда фақат уч хил маҳсулот тайёрларди, холос. Бу маҳсулот-

лар Тошкентдаги савдо шохобчаларига етказиб бериларди. Бозор талабини ўрганиш корхона маҳсулотларига эҳтиёж анча катта эканлигини кўрсатди. Шундан кейин қандалот маҳсулотлари ҳамми ва турини кўпайтиришга киришилди. Мавжуд асбоб-ускуналарга Италиядан келтирилган илғор технологиялар қўшилди. У ўзлаштирилган, янги маҳсулот хилларини тайёрлаш имконини берди. Ҳозирги кунда бу ерда печенёе, шоколад, роҳат-лукум, карамелларнинг қатор турлари буюртмачиларга етказиб бериланти. Ҳар кун 51 хил ширинликлар ишлаб чиқарилапти.

Корхонанинг кенгайирилиши туфайли янги-янги ишчи ўринлари ҳам барпо этилмоқда. Ҳозирги вақтда 300 нафар фуқаролар бу ерда ишламоқда. Уларнинг кўпчилигини ёш йигит-қизлар ташкил этади. Туркиядан тақлиф этилган усталар уларга замонавий асбоб-ускуналарда ишлашни ўргатдилар. Эндиликда уларнинг айримлари мураббийлик ҳаракатида иш-тирок этмоқдалар, корхона шухратини оширишга, истеъмол бозорини хилма-хил қандалотчилик маҳсулотлари билан бойитишга ёрдам бермоқдалар.



Суратларда: шўъба корхонаси бош директори Мажит Ўздурал бошқарув пулти олдига технология жараёнларнинг боришини кузатишда (юқорида); ишлаб чиқариш бўлимларининг бирида.

Солижон ЗОИРОВ олган суратлар.

САНАЦИЯГА
ТУШГАЧ...

Бу акциядорлик жамияти бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида ишлашга ўз вақтида тайёргарлик кўрмаслиги, унга мослашмаганилиги, фойдаланилаётган асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, маҳсулот сифатининг ҳам талаб даражасида эмаслиги, ишчи кучининг кўнимсизлиги ва бошқа сабаблар оқибатида қолоқ корхоналар қаторига тушиб қолди. Бу жараён давом этадиган бўлса «Ангренкулол» акциядорлик жамиятининг синишга олиб келиши турган гап эди.

Маълумки, корхона кимматли қурилиш ашёлари ҳисобланган иморатларга турли пардоз беришга мўлжалланган сопол тахтачалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Унинг маҳсулотларига талаб доим катта бўлиб келган. Мустақиллик йилларида қурилиш ишларининг кенгайиши, бинолар ва иншоотларни бунёд этишда миллий меъморчилик анъаналарини қўллаш қўламининг ортганлиги акциядорлик жамияти маҳсулотларини кўпроқ тайёрлашни тақозо этди. Шуни ҳисобга олиб, корхонанинг банкрот бўлишининг олдини олиш мақсадида уни санацацияга туширишга қарор қилинди. Санацация муддати икки йил қилиб белгиланди. Шу муддат давомида жамоа ўз кучи билан қолоқликка барҳам бериши, маҳсулотларини фақат маҳаллий хомашлар асосида ишлаб чиқарилишини таъминлаш, шу йул билан сопол пардоз тахтачалари ва тайёрланаётган бошқа буюмларнинг таннари арзон бўлишига эришиши, бозор талабини ўрганиб, харидориги янги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш шарт қилиб қўйилди. Қуллолчилар яратиб берилган бу имкониятдан фойдаланишга астойдил киришилди.

Айрим ишлаб чиқариш бўлимларида таъмирлаш ишлари амалга оширилди, янги асбоб-ускуналар ўрнатилди, мавжуд қувватлардан фойдаланиш кучайиб борди. Ишда

Акциядорлик
жамиятларида

тидаги янгиликларни ўрганиш ва жорий қилишга қаратилган амалий ишлар жуда асосли. Чунки, Чехиядан келтирилган йорк технологияни жорий қилиш тезда самарасини кўрсатди. Бу технология асосида санитария-техника буюмлари, қоплама сопол пардоз тахтачалари ва бошқа қурилиш ашёларини тайёрлаш сезиларли бўлди. Энг муҳими ишнинг сифат кўрсаткичларида ижобий силжиш юз берди. Натижада маҳсулотнинг харидорлиқ даражаси ошди. Шуларнинг ҳаммаси бозорда корхонанинг турли қуллолчилик буюмларига бўлган қизиқишни кучайтирди. Натижада буюртмачилар кўпайиб бормоқда. Уларнинг талабларини бажариш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга, айна вақтда маҳсулот сифатини оширишга эътибор қўйилган кучайиб бормоқда.

Бу эса жамоа фаолиятининг қатор муҳим кўрсаткичлари мунтазам яхшиланишини таъминламоқда. Айниқса, тайёрла-

наётган маҳсулот ҳажми тез суръатлар билан кўпаймоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи топириги 148,7 фоиз қилиб бажарилди. Бу ўсишни ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга солиштирсак, у қарийб 6,5 бараварни ташкил этади. Жамоа сўнгги ўн йилликлар давомида бирор марта ҳам бундай кескин ўсишга эришмаган эди. Уларнинг фақат маҳаллий хомашлар асосида тайёрлангани ҳам диққатга сазовордир, бу соҳада айрим ашёлар бўйича четга қарамлик барҳам топди.

Санитария-техника буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган маҳсулот цехининг ташкил этилиши корхона қувватини янада оширди. Бу маҳсулотлар микхазлар томонидан қўлаб сотиб олинанти. Уларнинг нархи чет эллардан келтирилаётган шундай буюмлар баҳосига нисбатан анча арзон. Сифати ҳам дурут, қўриниши ҳам яхши. Ҳозирги вақтда жамоа бундай маҳсулотларни республикамизнинг турли бурчаларига етказиб бормоқда.

Яқинда харидорлар сафига Бухоро, Навоий вилоятларидаги қурилиш ташкилотлари ҳам қўшилди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши дорамаларнинг кўпайишига, олинаётган фойданинг ортишига олиб келмоқда. Бу корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини тақомиллаштириш, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат натижадорлигини моддий манфаъдорлигини ошириш учун қўшимча имкониятларни вужудга келтирмоқда. Ҳа, корхонанинг қайтадан оёққа туриши бошланди, бу жараённи изчил давом эттириш зарур. Акциядорлик жамияти раҳбарлиги ва жамоаси бунга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини янада кучайтиришлари, санацация берган имкониятлардан ишнинг ўзини билиб фойдаланишлари лозим. Бу йўлда ҳали кўп тер тўкишлари зарур. Лекин у зор кетмаслигини, фақат корхонанинг қолоқликдан бутунлай ҳалос бўлишга олиб келишини чуқур ҳис қилиш керак.

Собир ҲАМИДОВ.

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

«Ўзэкспомарказ»да «Consumer Expo/Expo Food Uzbekistan 2000» халқ истеъмоли моллари халқаро кўргазмаси иш бошлади. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан АҚШнинг «TNT Productions Inc.» компанияси ҳамкорликда ташкил этган мазкур кўргазма олтинчи бор ўтказилмоқда.

Унда Австралия, Германия, Италия, Қозоғистон, Россия, Сингапур каби ўнлаб мамлакатнинг халқ истеъмоли ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 30 дан ортқ етакчи компанияси иштирок этмоқда. Шунингдек, кўргазмада Жанубий Корея ва Шри-Ланканинг миллий экспозициялари ҳам намоиш этилапти.

Эътиборли томони шундаки, озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари турли хил кийим-кечак, кундалик эҳтиёж моллари, гигиена воситалари, уй-рўзгор буюмлари, маиший жиҳозлар ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ускуналари ҳам кўргазмадан кенг жой олган.

Мамлакатимизда савдо-сотиқ ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга хорижлик ва ўзбекистонлик ишбилармонларнинг ўзаро алоқаларини янада кенгайтиришга қаратилган ушбу халқаро кўргазма уч кун давом этади.

(ЎЗА).

ҲАР БИР касбнинг ўз миришқори, устаси бўлади. Бошқалар, айниқса, жамоага янги ишга келганлар ундан андоза оладилар, ўрганадилар. Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги сут-товар фермасида бўлиб, у ердаги ишларнинг бориши билан танишганимда, Мохира Содикова шундай устоз соғувчилардан эканлигини билиб олдим.

Ана, у, навбатдаги сигирни соғиб бўлган, аппаратни ювиб, тозалашда, бир чеккага қўйди. Сўнг челақни қўтариб, бошқа сигирни қўлда соғишга тушди.

— Нима, аппаратингиз бузилиб қолди? Опа қўлди. Шунда ёнимда турган зоотехник Фарход Ўзқубоев тушунтирди:

— Сигирнинг ҳам ўзига яраша «феъл-атвори» бўлади, — деди у, — баъзилари аппаратга бўйин бермайди, тайсаллайди. Опага йигирмата соғин сигир бириктирилган бўлса, улардан 5-6 таси ана шунча «ўжар». Уларни мажбур қилиш бефойда, овора бўласиз.

Қайтага сутини тортиб қўйди, райёига қарасангиз ютасиз.

Дарвоқе, сигирнинг «тили»ни билиб, шунга яраша муомала қилишда Мохира опанинг олдида тушадигани йўқ. Шунинг учун ҳам у ўз боқимидида 20 та сигирдан ҳозирги кунга қадар 70 тоннадан ошириб сут соғиб топширди. Айни ёз пайтида бир сигирдан

ўртача 14-15 литрга етказиб сут соғиб олган кунлари ҳам бўлди. Ҳозир эса 11-12 литрданга

мана, келдим, сизга қарашиб боборайми, айтинг, нима иш қилай?..

Она қизининг меҳнатга иштиёқини кўриб ичидан қувонарди.

— Сен ҳам менга ўхшаб сут соғувчи бўлмоқчимсан? — деди бир кун.

— Бўлмасам-чи, — деди Мохира, — ахир сизни ҳамма ҳурмат қилади,

чикирларини қизига эринмай ўргатиб борди. Уқувли, удли-шудли Мохира ўнинчи синфни тугаллаганда дурустгина сут соғувчи ҳам бўлиб қолганди. Ҳеч иккиланмай, тўғри фермага келди, она касбини давом эттирди. Мана шунга ҳам йигирма икки йил бўлибди. Ҳозир

қишлоқнинг дастлабки ойлари қандай ўтказилишига, сигирларнинг қандай боқилиб, парварил қилинишига боғлиқ, Сирасини айтганда, бу томондан қўнғимиз тўқ. Чунки, Мохира опа сингари моҳир сут соғувчиларимиз, ўз ишининг миришқори бўлган мутахассисларимиз бор. Маъмурият эса ўзининг асосий бурчини бажарса бўлган. Демокрамани, қишлоғва ҳар жиҳатдан яхши тайёргарлик қўриб, етарли ем-хашак жамғариб олсак марра бизники. Ҳозир бу соҳада талайгина ишларни қилиб қўйдиқ. Ферма бўйича 538 тоннадан ортқ сут соғиб олинди. Шундан 485 тоннадан ортқи давлатга сотилди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган ўртача сут 3 минг литрдан ошди. Октябр ойининг бошидан озуқа цехи тўла қувват билан ишлаб бошлади. Рационда озуканинг етти хил тури бор. Уларни махсус дармондорилар билан бойитиб, сигирларга едирмоқдамиз. Шунинг учун ҳам сут соғиб олиш кўрсаткичлари яхши бўляпти. Бу йил ҳам ҳар бир сигирдан 4 минг литрдан ошириб сут соғиб оламиз.

Носир РИХСИЕВ.

ЭКСПОРТГА ҲАМ ЖЎНАТИЛМОҚДА

«Ўзбеккалингофоссавдо» акциядорлик жамияти Ангреннинг бозор иқтисодиёти шароитларида ҳам барқарор ишлаётган корхоналаридан бири ҳисобланади. Унинг меҳнатсевар, кўпмиллатли байналмилал жамоаси сўнгги йилларда ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми қатори турини ҳам тўхтовсиз кўпайтирмоқда. Бунда бозор талаби ўрганилиб, харидориги маҳсулотларни тайёрлашни ўзлаштиришга ҳаракат қилинмоқда.

Ҳозирги вақтда корхона жамоаси қўлдан чиқаётган ва турли нарсалар солишга мўлжалланган ҳар хил сизимдаги қўтичаларга ички ва ташқи бозорда ҳам талаб ортиб борапти. Чунки, бу қўтичалар бежирим ва ихчамлиги, ташқи томони эътиборини тортиш даражасида чиройли бэзати-

ганлиги билан ажралиб туради. Жорий йилдан бошлаб корхона маҳсулотни экспортга ҳам жўнатилаётганлиги шундан далолат беради.

Акциядорлик жамияти жорий йилнинг ўтган даврини меҳнатда салмоқли ютуқлар билан яқунлади. Шу давр мобайнида ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ўтган йилнинг тўққиз ойидаги қараганда 39,5 фоизни ташкил этади ёки буюртмачиларга 44 миллион сўмлик қўл қалин қозғ буюмлари етказиб берилди. Иқтисодий ислохот афзалликларида ишнинг кўзини билиб фойдаланаётган, акцияларнинг анчагина қисмини ўз ихтиёрида қолдириб, мулкнинг асосий эгаларидан бирига айланган жамоа қўлга киритилган ютуқлари мустаҳкамлаш, ҳўжалик йилини меҳнатда янада юқори кўрсаткичлар билан яқунлаш иштиёқига ҳормай-толмай ишламоқда.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ИБРАТНОМА

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД

Тўйхона кий-чув бўлиб кетди. Биров бўғилиб, хуноб бўлди. Биров насиҳат қилди, биров «милицияга чопинлар», деди. Аёллар қарғанди. Олимжон Давлатович кириб келганида, манзара шундай эди.

— Келинг, домла, — тўй эгаси Иномжон ака уни эҳтиром билан кутиб олди. — Юринг, ташқарида ҳассасашлар ёнида биров ўтира туринг, анави тарбиясиз сал тинчсин.

— Нима гап ўзи? — Олимжон ҳовлига кўз югуртирди. Давангирдек бир йигит елвагай бўлиб ўртада турар, кўринган одамга кўлидаги таёғи билан дағ-дага қиларди. Олимжон унга қараб юрди.

— Асло яқинлаша қўрмам! — йўлни тўсди Иномжон ака. Олимжон кулиб қўйди-да, давангирнинг олдида келди. Кий-чуга тўла ҳовли бирдан жим бўлиб қолди.

— Қани, йигит, омонмисан, — сўрашгани кўз чўзди Олимжон. Йигит тарадудланиб турди-да, кўлидаги таёғини ташлади. Қўлини эгнига нари-бери артган бўлди.

— Тинчликми? Одамларни чўчитиб обдорбсан-ку, ука, — Олимжон бамайлихотир гапирди.

— Эй, кўрмайсизми буларни, — бирдан йигитнинг кўзларида ёш ҳалқаланди. — Чой ташиб хизмат қилмоқчи бўлсам, «сени кўлингдан ким ҳам чой ичарди», дейишди. Нима мен одам эмасманми? Олимжон уни елкасига қокди.

— Узинг ҳам сал тартибга келиб олгин-да. Қани, юз-қўлингни ювиб, ўзинга сал-пал қарачи, — бир лаҳзадан кейин давангир анча тартибга тушиб қолди. — Энди бундоқ, — деди Олимжон, — тўйнинг чойхонаси сенсан. Тўй тугаб, келин-куёвга рухсат берилгач, иккаламиз чой ичамиз. Келишдикми? Ишимин нимайди?

— Келишдик. Исимин Турдиали.

Тўй тугагунча Турдиали оёғи олти, қўли етти бўлиб хизмат қилди. Олимжон ақинлари, қариндошлари билан обдон чакчақлашди. Энди кетаман деганида, биров енгидан тортиди. Қараса Турдиали. Қўлида бир лаган таббости, шароб, чой...

— Каерда ўтирамиз? — сўради Олимжон ҳовлига кўз ташлаб. Хотин-халаж бу пайтда дастурхонларни йиғиштираётган эди.

— Уйга, бизникига чиқа қолайлик. Икки ҳовли нарида тураман.

Олимжон Турдиалига эргашди. Иномжон уларни хавотирда кузатиб қолди. Турдиалининг рафиқаси оғирроқ экан. Шундай бўлса ҳам, ярим кечаси келибди демай, «порядочный» меҳмонни яхши кутиб олди.

— Уйимга ҳеч ким қирмайди, — бир пиёла отиб олгач, хасрат қилди Турдиали. — «Ўтириб» чиққансан, дейишди. Мен атайлаб қилибманми. Машинам беҳосдан тракторга урилиб кетди. Тиркамадаги бола йиқилиб, ёмон лат еди. Ҳамма айбни менга ағдаришди. Икки йил у ёққа бориб келдим. Анча вақтгача ишга олишмади. Бир автобазга борувдим, олти ойгача яхши ишладим. Кейин бўшашиб юборишди. Бу ёқда тўйхонадаги анави гап. Жонингдан тўйиб кетар экансан, киши.

Олимжон ғарибгина, лекин озода уйга разм солди. Келиннинг энгил-бошига, турда

МОҲИР БҮРИ овчиси Николай Иванович Дузимскийни тоғ бағрлари чорвадорлари яхши билишар ва ҳамма жойда хушнудлик билан кутиб олишарди. Сабаби — бўри овида унга тенг келадиган кимса йўқ эди.

Вертолётлардан ов учун биринчилар қаторида фойдаланган мерган ҳам шу киши бўлди.

Умри давомида 4 мингтага яқин бўрини ер тишлатди. Уларнинг 250тасини республикамиз, шу жумладан вилоятимиз ҳудудида овлади. Николай Иванович ов билан боғлиқ бўлган жуда кўп воқеа, ҳодисаларнинг шохиди бўлгани учун, улар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилар, унинг суҳбатига доим муштоқ эдик. Қўнларнинг бирида юз берган бир воқеа тафсилотларини қўлида келтирмоқчиман. У шундай ҳикоя қилган эди:

... Бу гал ўғам ва Пском тоғ тизмаларида бўрилари ов қила бошлашди. «Мил-4» вертолётни ихтиёрига бериб қўйилган эди. У анча паст учарди. Мен эса арчазорлар ва қалашиб ётган харсанг тошларни кўз-қулқоб бўлиб кузатиб борардим. Чунки, бўрилар шундай жойларга беркинган бўлишлари мумкин эди.

Ҳамма ёқни оппоқ қор босган. Шундай шароитда арчалар орасида юрган катта кўнғир айиққа кўзим тушиб қолди. Одатда айиқлар қиш фаслида горларга кириб уйқуга кетади. Буниси эса нима учундир санғиб юрарди! Демак, уни қимдир безовта этган ёки очлик горни барвақт тарк этишга мажбур қилган. Бундай айиқларни одатда дайдилар деб аташарди. Оч қолган ваҳший ҳайвон ниҳоятда хавфли бўлади. У қўй отларига ҳамма қилиши, тойчаларни, ҳатто отларни ва бошқа жониворларни хароб қилиши ҳам мумкин.

Мен маймоқ билан учрашган жойни харитада

мондан ташланган нонушта жониворга жуда маъқул бўлган экан шекилли, қор устида фақат у қилган кечаги базмининг қолдиқлари ётар эди. Пасаяётган винтканотли машинани кўрган айиқ бу гал кўркмади, аксинча орқа оёқларига тик туриб, вертолётни кузатарди. Афтидан у яна янги нонуштани кутаётган эди...

Қўнғир айиқлар Тяньшаннинг ғарбий томонида —

ОСМОНДАН ТУШГАН НОНУШТА

юкни вертолётда ортининг нима ҳолати бор, деб таъна қилди.

Мен эса учувчига «Буни ҳозир билиб олмасиз» дедимда, келган йўналишдан боришни илтимос қилдим. Оч қолган ҳайвон узоққа кетмаган экан. У ўзининг узун тирноқлари билан даракларнинг қўриб қолган пўстларини шиши билан овора эди. Демак, у пўстлоқлар орасига яширинган курт-қумирсоқлар ва бошқа зарарли хашаротларни топиб ўз нафсини қондоримокда эди. Вертолёт моторининг овозидан қўрқиб кетган айиқ оёқларини тепага қилиб орқасига қалқанча ётиб олди. Шу вақт вертолёт эшигини очиб ниҳоятда чўчиб кетган маймоққа териси шилланган иккита бўри жасадини ташлаб юбордим. Машинамиз баландга кўтарилиб тезликни оширди ва биз тоғ чўққиси орқасига ўтиб кетдик.

Эртасига вертолёт экипажи билан айиқ билан учрашган жой устидан яна учиб ўтишга қарор қилдик. Ос-

Пском, Чотқол, ўғам, Фаргона тоғ тизмаларида тарқалган. Туркистон тоғида эса арчазорлар ва мевали даракзорларда учраб туради. У ҳамма нарсани, кўпроқ ўсимликларни тановул қилади. Баҳорда ва ёз фасли бошларида баланд тоғларда ўсимликлар индизлари, анзур пийзи билан овқатланади. Қўз келиши билан тоғ ён бағирларига кўчиб ўтади, бу ерда ўрик, олча, нок, ёнғоқ ва бошқа меваларни кўпроқ тановул қилади. Ёввойи асарларлар инларини бўзиб асал ейишни хўш кўради. Инсон билан дуч келганида одатда жуфтхана роғларда қолади. Қўнғир айиқ анча қамайиб кетган, шунинг учун ҳам у Ўзбекистоннинг Қизил қитбоига қиртилган. Бу жониворларни ов қилиш ман этилган.

Афсуски, бўриларнинг тажрибали овчиси турар жойини ўзгартирди. У мутасадди ташкилотларнинг таклифи билан Кроснояр ўлкасига шимолга кўчиб кетди. Рес-

Бир вақтлар моҳир овчилардан иборат гуруҳлар бўрини ов қилиш билан шуғулланар эдилар. Улар бунинг учун зарур бўлган қурул-аслаҳалар, транспорт воситалари билан таъмин қилинарди. Бўрилар қамайиб кетмоқда деган баҳона билан уларни ов қилиш тўхтатилгани бу бригадининг тарқалиб кетишига сабаб бўлди. Оқибатда ваҳшийлар сони тез қўнайиб, чорвачиликка катта зарар етказмоқда. Шундай шароитда ўша гуруҳларни қайта тиклаш, уларни барча зарур анжомлар билан тўла таъминлаш керак. Чунки, якка-якка бўлиб бу қонхўрларни ов қилиб бўлмайди. Ақс ҳолда бўрилар янада қўнайиб, келтираётган зарари тўхтовсиз ортиб бориши мумкин.

Масхуд МАХМУТОВ, «Ўзбекилик» уюшмасининг фахрий аъзоси.

ЎЗУВЧИЛАРНИНГ ЯНГИ АСАРЛАРИ

ОСМОН МУХТОР

ДЕНГИЗ ТУБИДА

(Роман-саёҳатномадан бир боб)

Келиб ўтиргани захоти:

— Менга қаранг. Бир жумбоқни чақолма-ямиз, — унга мурожаат қилди Шоди Турсун. — Демак, ишдан кетганингизда ҳаммаёққа сиз қороз ёпиштирганиз, шундайми?

— Мен, — деди осойишта ҳолатда Иброҳим.

— Ана ҳолос! Биз бировлардан бекорга ўч олиб юрибмиз! — бошини чайқади Акмал Рашид. — Шу ишни шахсан ўзингиз яхши деб ўйлайсизми?

— Яхши эмас. Ёш болага ўхшаган иш! — бўйинига олди Иброҳим.

— Бўлмаса нега ундай қилдингиз? Мен тушунмапман, — бўғилди Бўтаовий Нодир. — Бундай қилмаслик керак эди! Лекин бу билан барибир, ҳеч нарса ўзгармайди.

— Яъни! — деб сўради бутун вужудини дастурхон устига ташлаган Кабир Ҳожи. Гапирганинг кумуш бўлса, гапирмаганинг олтин!

(Ол-а... Халқ бир умр тилини тишлаганидан, тиллага қўмилиб ётибди!)

Иброҳим жавоб беришга мажбур эди.

— Узингдан ёши ҳам, иши ҳам катта одамни ҳурмат қилиш керак! — деди у. — Фақат ёш ёки фақат иши катта одамнинг ҳам сўзига қараш керак! Ҳурматини бўзмаслик керак! Акс ҳолда, ҳаёт издан чиқади. Барча иплар узилади. Бошбошқоқлик рўй беради. Итоатсиз мумкин эмас... Лекин фарзанд ота-онани ҳурмат қилиши учун биринчи навбатда, ота-она ўзини муносиб тутмайдими?! Биз катта-кичик, ҳаммамиз банд. Энг аввал, Худого итот қиламиз. (Оллоҳдан бошқасига сизингиз, деганлар). Банданинг бир-бирига итоти нисбий! Ҳўп. Дунёда ҳар кимнинг ўз тушунчаси бор. Фикри. Қараш. Хис этганинг, ўйлаганинги айтмаслик қўрқоқлик, мунофиқлик эмасми? Қачонгача уйда бошқа, кўчада, одамлар орасида, мажлис ёки даврада бошқа гапни гапириш керак?! «Бошимга қилич келса ҳам: дегайман ростин!» Ота-боболарнинг бу шиори наҳотки, замоналар ўтиб, йўқолди?! Тараққиётга эришган сайин, «маймуния» деганидек, наҳотки, муносабат никоҳ тақиб, ўйин кўрсатишга айланган бўлса?! Сийёсий ўйин. Ижтимоий ўйин. Оммавий ўйин... Табиийлик қани?! Холислик қани?! Биз катта халқмиз. Аммо орамизда шундай одамлар борки, бутун ҳаётни театрга яқинлаштириб, ўзи ўйнаб, бутун халқни ўйинга тортишчи келади. Ана, сиз сизингиз Файрат Нусрат! Унинг бўқоқлиги ёлгон. Ўзи билди! Сизлар ҳам биласизлар! У қўлидаги қон томган қилич билан, ўз шаъни, ўз обрўйини тутиб турибди. Имон топиб, яшаб қилишни истади, ҳолос! Сизлар унга ошики-шайдо бўлсанлар, марҳамат. Лекин ҳаммадан бунга нега талаб қиласизлар?! Ҳамма унинг аврасига миниб, ашуласини айтиши шартми!

Дунёда

Ҳеч ким

биров билан тортишаётиб,

«биз энгилдик, тақсир!» — демайди.

Бахш ҳали давом этадигандек эди. Бирок... даврадагилар чойхонага асосан, ўз машиналарига келишган; машиналар ён томондаги майдончада тизилган эди. Йўлни чангитиб, янги бир машина келиб тўхтади.

Хайдовчи кабинадан чқар-чқмас, Акмал Рашид ўрнидан иргиб туриб, унга томон олишди.

Иброҳим хайдовчига кўзи тушиб, эсанкираб қолди:

бу — ўтган йилмиди, олдинги йилми?! — узун хиебонда, даракх панасида турди, уни пойлаган йигит эди!

(Ажабо, ушунда Акмал Рашид «ташаббус» кўрсатганимди ёки унга «четлаб», хайдовчи тўппа-тўғри Файрат Нусратнинг иродаси билан иш тутганимди?! Қандай бўлмасин, бу одамлар ўша пайтда ҳам тинч туришмаган экан!)

(Давоими. Боши ўтган сонларда).

Санъат

САРА АСАРЛАР ҲАФТАЛИГИ

Эртага пойтахтимиздаги Алишер Навоий номи санъат саройида Малайзия кино ҳафталиги бошланади. Унда мазкур мамлакат кино усталарининг халқаро киноанжуманларда турли совринларни қўлга киритган энг яхши уч асари - «Жаго» («Фили»), «Букет Кепон» («Кепонг гулдастаси») ҳамда «Бара» («Аланга») деб номланган бадиий фильмлари намойиш қилинади. Уларда Малайзия халқининг бугунги ҳаёти, қувончли ташвишлари ҳақида ҳикоя қилинади.




Ғолиблик сурури.

Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат-лавҳа.

ПТОЛОМЕЙ КИМЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

ЭНИГА: 5. Жун мато. 7. Баъзи хорижий армияларда куйизобитлик таркибдаги ҳарбий унвон. 8. Тўтқунлар уйи. 9. Отхона. 11. Чотқол ва Қизилтўр тизмалари орасидаги довон. 13. Қовун нави. 15. Хонаки от тури. 17. Узум нави. 18. Птоломейнинг Ўрта Осиё халқлари орасидаги исми. 20. Мушакларнинг қаттиқ тортишуви натижасида қўлоёқларни йиғилиб қолиши. 22. Кичик Антил ороллари билан бири. 23. 4. Дарвин сафдоши, инглиз биологи. 25. Швеция, Норвегия, Финляндиянинг шимоли ва Кола ярим оролининг номи. 28. Инглиз романтик шоири. 29. Ўзбек демократ шоири Фўрқат вафот этган шаҳар. 30. Бир томони силлиқ япроқ ип газлама.



Бўш вақтларда

БҮЙИГА: 1. Усти қия баланд столча. 2. Буюк Британиядаги шаҳар. 3. Нордон олчадан қилинган ичимлик. 4. Нақш тури. 6. Бухорони забт этган қабиладар. 9. Нурота тоғидаги қўл. 10. Турли муаллифларнинг асарларидан тузилган тўплам. 12. Сут эмизувчи йиртқич денгиз ҳайвони. 13. Ўзбекистон аёли. 14. Одиссейнинг ватани. 16. Болтиқ денгизи жанубий қирғоқларида яшаган болтиқ қабиладар гуруҳи. 19. Индонезия миллий қаҳрамони. 21. Ёшлар телеканалдаги кўрсатувлардан бири. 24. Туркман сатирик шоири. 26. Ўрта Осиёда қўлланилган ҳарбий унвон. 27. Одил Ёқубов асари.

Тузувчи Тожиали УМАРОВ.

26-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишлари-ча, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида 25-27 октябрь кунлари об-ҳаво бирмунча ўзгариб туради. Вақти-вақти билан қисқа мuddатли ёмғир ёғади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 15-20 метрга етади. Ҳарорат кечалари 9-14, кундуз кунлари 20-25 даражага чаман бўлади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси «Вилотсавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

Валентина Дмитриевна ШИМОНЕВАНнинг вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Фатҳиддин МУХИДДИНОВ

Маълумият:

700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48

Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.